

АГАТА КРИСТИ (Буюк Британия)

МОВИЙ ХРИЗАНТЕМА

Бу воқеани менга анча йиллар илгари бир князнинг уйида хизмат қилган ашаддий гул шайдоси кекса Фулинус айтиб берганди.

– Мен сизга ўзимнинг Кларам қандай дунёга келгани ҳақида ҳикоя қилиб берсам. У пайтларда Лубенц- да, князь Лихтенберг исмли кимса- нинг боғида хизмат қилардим. Кекса князь боғбончиликка жуда қизиқар- ди. У дунёнинг турли бурчакларига буюртма бериб, энг сара гулларни олиб келтирар ва ўз боғида ўстирар- ди. О, унинг боғини бемалол жаннат дейиш мумкин эди.

Кунларнинг бирида қандайдир иш билан кўчага чиққандим. Тасо- диф ан рўпарамдан телбанамо, кар- соқов, ўзининг жунунваш кулгиси билан ҳамманинг асабини кўзгаб юрадиган қари қиз Кларани учратиб қолдим. Қиз иғ- а, нега тентаклар ҳа- миша хушвақт бўлиб юришаркин? Мен унинг телбавор ўпичларидан қочиб учун ўзимни панага олмоқчи эдим, кўлидаги ажабтовур гулдаста- ни кўриб таққа тўхтадим. Пала- пар- тиш дасталанган ўт- ўланлар, кўкат- лар орасида... биласизми, нимани кўрдим? Тўғри, дунёда кўп гулларни кўрганман, аммо бунақасини умрим бино бўлиб энди кўришим эди. Гул- даста (агар шунақа дейиш мумкин бўлса) ичидан мовийранг бахмал хризантема манамен деб бўй кўрса- тиб турарди. Шунақа чиройли, шу- нақа наф ис... таъриф лаб беролмай- ман. Мен хризантемаларнинг жуда кўп турини биламан. Аммо, дунёдаги энг қимматбаҳо хризантемалар ора- сида ҳам бунақаси учрамаслигига амин эдим.

Анча йил илгари Лондонда, қария Жеймс Вейчнинг уйида бўлганимда, у тўғридан- тўғри Хитойдан олиб ке- линган, напармон ҳошияли мовий хризантемаси бўлгани, аммо бир йил илгари қишда нобуд бўлганини аф сус билан гапириб берганди.

Мана, ҳозир манави тентакнинг кўлида худди ўшандай қимматбаҳо гул ял- ял товланиб турардики, бу гулнинг назокатини асло тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Клара илжайганча менга кўлида- ги гулдастани узатди. Мен унга бир қрон пул бериб, кўлидаги хризанте- мага имо қилдим.

– Клара, сен буни қаердан топдинг? Клара қувончидан ўзини йўқотиб қўйди ва алланарсаларни ғўнғиллаб кулишга тушди. Мен ундан ҳеч нарса- ни била олмадим. Ундан бирор маълумот олишга тиришаман, у эса, ҳадеб мени қучоқлаб ўлмоқчи бўлади. Хризантемани кўтариб, тўғри князнинг ёнига югурдим.

– Зоти мунавварлари, бу гул шу яқин атроф да ўсиши керак. Балки бирга излармиз?

Кекса князь ҳовлиққанидан ўзи- ни йўқотиб қўйди ва ф ойгунни ҳо- зирлашни буюрди, ўзимиз билан Кларани ҳам олишимизни айтди. Бу пайтда Клара

қаёққадир ғойиб бўлганди. Уни қидирмаган жойимиз қолмади. Князь ғазабдан эндигина сўкина бошлаган кезде Кларанинг ўзи узоқдан биз тарафга югуриб кела бошлади. Югуравериб, бечоранинг тили осилиб қолган, қўлида эса, бир даста ҳозиргина узилган мовий хризантемани кўтариб келарди. Князь унга юз кронлик пул узатди. Клара эса, аламдан йиғлай бошлади. Чунки у бечора умрида юзталик пулни кўрмаган ва пулнинг бунақа бўлишини тасаввур қиолмасди. Шунда ўзим ёнимдан бир кронлик пул чиқариб беришга мажбур бўлдим. Бечора- нинг хурсанд бўлганини кўрсангиз.

У севинчидан ҳиринглаб хиргойи қилганча, рақсга туша бошлади. Биз уни бир амаллаб, фойтунга ўтказдик ва хризантемани кўрсатиб сўрадик. «Клара, қаерга борамиз?»

Клара юмшоқ ўриндиққа жойлашиб, ўзида йўқ қийқириб юборди. У билан ёнма-ён ўтирган такаббур кучернинг бирам жони чиқди-ей! Клара жинниларча чинқирарди, бундан ҳурккан отлар чунонам паталоқ отадик, ўлдики ичимиз эзилиб. Ўзи-ям сайрмисан, сайр бўлди. Бир ярим соат йўл босдик ҳамки мовий хризантемадан ному нишон йўқ. Охири чидаб туролмадим:

– Зоти мунавварлари, биз ўн тўрт чақиримдан зиёд йўл босдик.

– Нима фарқи бор, – қўл силтади князь. – Юз чақирим бўлмайдими?

– Майли-ю, – дедим унга жавобан. – Лекин Клара бир соатдан кейин яна бир даста гул кўтариб келди. Де-мак, хризантемалар Лубенцдан нари борса, уч чақиримча узоқликда ўсиши мумкин.

– Клара, – бақирди князь хризантемаларни кўрсатиб, – булар қаерда ўсади? Қаердан узиб келдинг?

Клара жавоб ўрнига нималарни-дир ғўлдираб, олдинга имо қилди. Чамаси унга фойтунда сайр қилиш жуда ёқиб қолганди. Назаримда, князь Кларани дўшослайдигандек эди, зотан у ҳам ғазабланишни биларди. Отлар жикқа терга ботиб кетганди. Клара ҳамон тушуниксиз шанғиллар, князь асабий сўкинар, кучер эса, йиғламоқдан бери бўлиб борар, мен эса, мовий хризантема-лар ҳақида бош қотираддим.

– Зоти мунавварлари, – дея князга юзландим. – Бунақада иш бигмайди. Келинг, Кларасиз қидириб кўрайлик. Лубенцнинг уч чақирим радиусгача бўлган ерлари харитасини олайликда, ҳудудларга бўлиб, уйма-уй излаб кўрайлик.

– Азизим, – деди князь. – Лубенцдан уч чақиримгача бўлган жойда бирорта ҳам парк ёки хиёбон йўқ.

– Менам шуни айтгипман, – дарров илиб кетдим. – Бу гулни парк ёки хиёбондан топиб бўлмайди. Қаранг, хризантема бутогининг қуйи қисмида озроқ қатқалоқ ёпишиб қолган. Бу паркларнинг тупроғига ўхшама-япти, менимча гўнг ва қум аралашмаси бўлса керак. Манави япроғи-да эса, каптар тезагидан қолган из кўриниб турибди. Демак, бу гулни айнан

каптарлар тўпланадиган жой- дан қидириш керак. Менимча, бу хризантема қандайдир четан девор тагида ўсади. Мана, барглари ораси- да арча пўстлоғи ҳам илиниб қолган.

Эртаси куни эрталаб Клара яна бир даста мовий хризантема олиб келди. Шундан сўнг менинг тамо- мила асабим қўзиди. Ўз ҳудудимни тамомила айланиб, ҳар бир қовоқ- хонадан илиган пиво ичиб, пишлоқ кавшаб, мовий хризантема дарагини сўроқлаб юрдим. Вой, бу қишлоқлар- ни ҳозир ҳам эсласам кўнглим ай- нийди. Бир томонда иссиқни айтинг, одамнинг энка- тинкасини қуригво- ради. Яна қандайдир гулни суришти- риб юришим одамларда шубҳа ҳам уйғотди. Мени ё бирор дайди, ё қан- дайди агент деб ўйлашганми? Би- ровдан яхши гап эшитмадим ҳисоби, лекин ҳаммасига тишимни- тишимга босиб, чидадим.

Кечга яқин шунга амин бўлдим- ки, мен ишлайдиган ҳудудда ҳеч қандай хризантема ўсмас экан. Яна учга қўшни ҳудудни ҳам текшириб келдик. Клара эса яна бир боғлам мовий хризантема олиб келди.

Билсангиз, бизнинг князь бу му- зоф отнинг энг обрўли одамларидан эди. Маҳаллий полицияларни оёққа турғизиб, ҳар бирининг қўлига бир донадан мовий хризантема гулидан берди ва қандай бўлмасин шундай гуллар ўсадиган ҳудудни топишни буюрди.

Полициячилар жуда саводли одамлар бўлишди. Улар тез-тез га- зета ўқиб туришди, ўзлари ишлай- диган ҳудудни, бу ернинг одамлари- ни ҳам беш қўлдек билишди. Ўша кунгидея, десангиз, олтига полициячи қишлоқ ф аоллари, назоратчию қо- ровуллари, ўқигувчи ва ўқувчилар, ҳатто бир гуруҳ лўлиларни ҳам эр- гаштириб уч чақирим радиусдаги майдонни текширишга тушишди. Қанақа чечак топишган бўлса, ҳам- масини князнинг олтига опкелиш- ди. Эҳ- ҳе, князнинг уйи гулларга тў- либ кетганини бир кўрсангиз эди.

Улар орасида ф ақат мовий хри- зантема кўринмасди, холос. Клара- нинг орқасидан куни билан кузатиб юрдик. Кечгача унинг изини йўқо- тиб қўйдик. Ярим кечаси эса, у менга яна бир кучоқ хризантема кўтариб келди.

Биз хризантемаларни бигта қўй- масдан юлиб келмаслиги учун вақтинча Кларани ушлаб туришга қарор қилдик. Бироқ, бу билан иш бигмасди. Ўлай агар, қанақадир васвасага тушиб қолгандик. Ахир бу қанақаси, ҳамма ёқ каф тдек те- кис бўлса...

Давомини эшитинг. Агар одам- зотнинг ишлари умуман юришмай қолса, у қўпол ва дарғазаб бўлишга тамоман ҳақли – буни тушунаман. Лекин, бари бир иззат-наф с дегани ҳаммадаям бор- да! Князь менга нима деганини биласизми? Мен ҳатто Кларадан ҳам баттар тенгак эмиш- ман. Нима дердим. Ҳар қандай қари эшакнинг ҳақоратларини индамай этишиб кетаверадиган анойи эмас- ман, дедиму, лаш- лушимни кўтариб, тўппа- тўғри вокзалга йўл олдим.

Энди Лубенцда менинг қорам- ни ҳам кўришмайди. Вагонга чиқи- шимни кутиб тургандек, поезд ҳам қўзғалди. Шу пайт худди боладек ўпкам тўлиб

йиғлаб юбордим. Нима учун, айтайми? Мовий хризантема- ни энди бошқа ҳеч қачон кўрмасли- гимни, у билан мангу хайрлашаётга- нимни ўйлаб йиғладим.

Ойнага қараганча ҳиқиллаб бо- рарканман, беихтиёр кўзим шағал тўкилган кўтарма йўлак ёнида қан- дайдир мовийранг гулларга тушди. Бунақа пайтда ўзимни бошқара олармидим? Қандай қилиб ўрним- дан кўзгалганиму вагондаги тормоз тутқичига чанг солганимни эслол- майман. Поезд чинқирганча тўхтади, мен эса, қарама- қарши тараф даги тў- сиққа урилиб, манави бармоғимни сиңдириб ҳам олганман, мана қаранг!

Бир пайт кондуктор чоғиб келди. Мен эса, тўнғиллаб, зарур бир нар- сам эсимдан чиқиб қолганини айг- дим. Хуллас, каттагина миқдорда жарима тўлашга тўғри келди.

Кўзимга чалинган мовий чечак- лар ортидан, шағал йўлак бўйлаб чоғиб борарканман, ўзимни- ўзим сўкардим. «Балки бу кузги қўқонгул ё шунга ўхшаш бирор бошқача гул бўлса- чи? Сен бўлса, шунча пулни ҳавога совуриб ўтирибсан!»

Беш юз метрлар чамаси йўл юр- сам- да, мовий гулларга етиб борол- мадим. Балки, у умуман йўқдир? Кў- зимга шундай кўрингандир?

Шу чоқ кичик бир тепалиқда йўл назоратчисининг кулбасига кўзим тушди. Унинг шундоқ қаршисида мо- вийранг манзара. Қарасам, икки туп- гина хризантема шунақа ажойиб тов- ланиб турибдики, энди қўяверинг.

Қоровулларнинг боғчасида нима- лар ўсиши мумкинлигини ёш бола ҳам билади. Қовун- тарвузми, қовоқми, шолжомми, нари борса, икки туп атир- гул ёки настарин ўсар. Йўқ, бу боғчада ўшалар ҳам йўқ, бир тупдан картошка билан ловия, наъматак бутаси ва... икки туп мовий хризантема...

– Биродар, – қичқирдим четан оша назоратчига қарата. – Манави гулларни қаердан опкелгансиз?

– Буларми? – сўради қоровул. – Олдинги ўлиб кетган назорат- чидан қолган. Бу йўлакдан юриш тақиқланган, тақсир! Ана ёзиб қўй- илган «темирйўл устидан юриш қатъий тақиқланади» деб. Сиз нима қилиб юрибсиз?

– Амаки, – дедим унга. – Сизнинг ёнингизга қандай ўтсам бўлади.

– Мана шу йўл билан, – деди у. – Аммо бу йўлдан юриш мумкинмас. Менинг ёнимда нима бор? Бор йў- лингдан қолма. Фақат шпалларнинг устидан юрма!

– Қаёққа бораман?

– Менга бари бир, – бақирди қоровул. – Фақат бу йўлдан юрма. Мумкинмас. Мен ерга ўтирволиб, гап қотдим: – Менга қаранг, амаки, манави мо- вий гулларингизни менга сотинг!

– Сотмайман, – ўшқирди чол. – Туёғингни шиқиллат, дедим. Бу ерда ўтириш мумкинмас.

– Нега мумкин эмас экан? – маҳма- доналик қилдим. – Лавҳада бунақа деб ёзилмаган ку!

Қоровул шошиб қолди. Фақат тўнғилаб сўқиниш билан чеклан- ди. Чамамда чол ёлғиз ўзи яшарди. Кейин унинг овози ҳам ўчиб қолди. Ярим соатлар чамаси ўтгач, йўлни текшириш учун чиқиб келди ва мени кўриб яна тутатди:

– Кетасизми бу ердан ё йўқми?

– Кетолмайман, – дедим. – Темир- йўлдан юриш мумкин эмас. Юришга бу ердан бошқа йўл бўлмаса... Чол бир дақиқа ўйлаб қолди: – Биласизми, – деди у ниманидир кашф этгандай ҳовлиқиб. – Мен мана бу сўқмоқчага кириб кетаман. Гўёки, сизни кўрмаган киши бўламан, сиз эса, шу ердан катта йўлга чиқиб кетасиз.

Мен унга миннатдорчилик бил- дирдим. У сўқмоқча кириб кўздан йўқолгач, четан девордан ошиб ўт- диму, четда турган белкуракни олиб, ҳар икки туп гулни кўприб олдим. Ҳа, жаноб, мен уларни ўғирладим. Ўзи ҳалол одамман, бор- йўғи етти марта ўғирликка қўл урганман ва ет- товида ҳам фақат гул ўғирлаганман.

Бир соатдан сўнг мен поездда ўтирганча, ўғирланган мовий хризантемаларим билан кетиб борар- дим. Қоровулхона девори ёнидан ўтарканмиз, бояги чолнинг дарғазаб ҳолатда байроқ кўтариб турганини кўрдим. Мен унга қараб, шляпамни силкитдим, у мени кўрмади чамамда.

Энди гап нимадалигини тушун- дингизми, тақсир? Ахир у ерда кат- такон лавҳа осилиб турарди. «Бу ердан юриш тақиқланади». Шунинг учун на мен, на полициячилар, на ўқувчиё ўқитувчилар, на лўлилар бу ерни қидиришни хаёлларига ҳам келтиришмаган. «Тақиқланади» сў- зининг қанчалик қудратга эгаллиги- ни кўрдингизми?

Ким билсин, темирйўл назорат- чисининг уйи ёнида энг ноёб чечак- лар, меҳригё, олгин папоротник ёки ҳаёт дарахти ўсар? Аммо, уни ҳеч ким тополмайди, чунки, бу йўлдан «ўтиш қатъий тақиқланган» – васса- лом! Клара ақли норасо, телба бўлга-

ни, ўқишни билмагани учун ҳам бу йўлдан юриб, мовий хризантемага дуч келган.

Мен шунинг учун ҳам бу нодир чечагимга Клара деб ном бердим. Ва уни ўн беш йилдан бери авайлаб, парваришлаб келаман. Мен унга ке- рагича меҳр ва эътибор кўрсатдим шекилли. Анави галварс қоровул бўлса, уни ҳатто тузукроқ суғорма- ган, тагини юмшатмаган ҳам.

Менинг хризантемаларим баҳор- да уйғонади, ёзда куртак очади, август ойига бориб, сўлиб қолади. Тасаввур қиласизми, мен бундай ажойиб гулга эга бўлган ягона ин- сонман. Бу гулларимни бирор кўр- газмага юбормайман. Дунёдаги ҳеч бир гул наф осат ва латоф атда ме- нинг эркатойларим билан тенгла- шолмайди. Чунки бу менинг Кларам. У гуллаган чоғда бутун олам беқияс

гўзалликка бурканади.